АКС-САДО

# «ТИРИЛГАН ОДАМ»

***«Халқ сўзи»нинг шу йил 12 март сонида босилиб чиққан шу сарлавҳали мақолада Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз туман прокуратураси, вилоят ички ишлар ва суд-тиббиёт экспертизаси идораларининг масъул ходимлари қонунларни қўпол равишда бузилишига йўл қўйганликлари тўғри танқид қилинган.***

Республика прокуратураси томонидан Шаҳрисабз туманида фуқаролар Ҳ. Ашурова, Азим ва Аҳад Шариповларни ноҳақ қотилликда айблаб, уларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларини поймол қилингани ҳолатлари юзасидан 1996 йилнинг июль-август ойларида махсус текшириш ўтказилган эди.

Хизмат текширувида аниқланишича, Шаҳрисабз туман прокуратураси билан вилоят ва туман ички ишлар бўлими томонидан биргаликда 1996 йил 23 мартда тузилган тезкор-тергов гуруҳи тергов ва суриштирув ҳаракатларини жиноятни очишга қаратмасдан, асоссиз ва қонунга хилоф равишда Қашқадарё ўзанидан топилган номаълум шахснинг жасадини Шаҳрисабз шаҳри фуқароси Аҳмад Саидмуродовники деган тўҳтамга келадилар.

Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари ўз мансаб ваколатларидан четга чиқиб, Аҳмад Саидмуродовга нисбатан содир этилмаган ўта оғир жиноятни турмуш ўртоғи Ҳидоят Ашурова ҳамда унинг жиянлари Аҳад ва Азим Шариповларнинг бўйнига қўйишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг қадр-қиммати қаттиқ ҳақоратланади. Келтирган важлари тўлиқ текширилмайди. Била туриб бегуноҳ кишиларни жисмоний куч ишлатиш йўли билан ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилишади; қонунга хилоф равишда тутқунликда ушлаб, ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда уларнинг конституцион эркларини чеклашади.

Тезкор-тергов гуруҳининг ноқонуний ҳаракатларидан тилга олинган шахслар, уларнинг фарзандлари, қариндошлари ҳам қаттиқ азият чекади ва жабрланадилар.

Ушбу текширув материаллари асосида қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов жараёнида, асосий айбдорлар бўлмиш Шаҳрисабз тумани прокуратураси терговчиси Ғ. Ҳакимов, туман прокурори Ҳ. Эштемиров, туман ички ишлар бўлимининг бир неча раҳбар ва тезкор ходимлари-- бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Ҳайдаров, жиноят қидирув бўлими бошлиғи Р. Зокиров ва бошқалар суд-тиббий экспертизасининг масъул мутахассислари-- жами 11 киши қамоққа олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган эдилар.

Республика Олий суди жиноят судлов ҳайъатининг 1997 йил 25 февралдаги ҳукми билан улар айбдор деб топилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Республика прокуратураси ушбу ҳолат бўйича жиноят иши доираси билан чегараланиб қолмасдан, йўл қўйилган қўпол қонунбузарликлар масаласини 1996 йилнинг 7 сентябридаги махсус кенгайтирилган ҳайъат мажлисида кўриб чиқди.

Ҳайъат мажлисининг қарорига асосан, мазкур воқеага дахлдор бўлган, хизмат бурчига ва вазифасига масъулиятсизлик, лоқайдлик билан қараган ходимлар -- Қашқадарё вилояти прокуратурасининг прокурор-криминалисти У. Узоқов ва бўлим прокурори А. Суюнов вазифасидан озод этилиб, прокуратура идораларидан бўшатилдилар. Тергов ҳаракатлари устидан етарли даражада назорат ўрнатмай, қонунсиз қарорлар чиқарилишига йўл қўйган Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бир неча раҳбар ва масъул ходимлари интизомий жавобгарликка тортилдилир.

Ушбу қарор барча вилоят прокуратураларининг ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиниб, бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда, уларнинг ижроси мунтазам назоратга олинган. Прокурорлар олдига фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари дахлсизлиги, уларнинг қонуний манфаатларига тажовузларнинг ҳар қандай ҳолатларига нисбатан муросасизлик муҳитини қарор топтириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилишдаги масъулиятни кучайтириш, айбдор шахслар қандай мансабда бўлишларидан қатъий назар, уларга нисбатан кескин чоралар кўрилишини таъминлашга доир қатъий талаблар қўйилди.

Тергов якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маориф вазирликларига киритилган тақдимномаларда мазкур воқеага алоқадор барча ходимларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этиш, келажакда бундай хатоларга йўл қўймаслик чораларини кўриш талаб этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят содир бўлишига сабаб бўлган, суд жараёнида аниқланган шарт-шароитларни тугатиш ҳақидаги ажрими, суд ҳукми ва бошқа ҳужжатлар барча прокуратураларга юборилди, уларни амалий машғулотларда барча тезкор ходимлар иштирокида яна бир бор чуқур ўрганиб чиқилиши, ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиниши тўғрисида топшириқ берилди.

Инсон манфаатлари ҳимояси бизнинг касб ва виждоний бурчимиз эканлиги, бундай ақидага зид иш тутган ҳар қандай ходим эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар сўзсиз, қонун олдида жавобгарликка тортилиши муқаррар эканлиги таъкидланди.

Республика прокуратураси, тизимда ҳуқуқий давлат меъёрларини қатъиян қарор топтириш, инсон манфаатлари йилида бирорта ҳам фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини ноқонуний бузилишига йўл қўймасликни таъминлашга қаратилган бир қатор аниқ тадбирларни режалаштирган ва уларни қонун доирасида қатъиятлилик билан амалга ошириб боравереди.

**Р. ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.**

BANK ASAKA

**Ихтисослаштирилган давлат акционерлик тижорат "Асака" банки**

*Банк жамоаси республикамиздаги барча банклар ходимларини, мижозларимизни, азиз ва муҳтарам юртдошларимизни қутлуғ айём – Наврўзи олам муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади.*

*Ўзбекистонимизнинг ҳамма фуқароларига мамлакатимизнинг буюк келажаги, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш йўлида олиб бораётган ишларида муваффақиятлар тилайди.*

*Яна бир бор қутлуғ айёмингиз муборак!*



